

XVIII. ТУРИСТИК ОҚИМ

Ўзбекистон ўзининг қадимги тарихий-меъморий ёдгорликлари, табиий бойликлари ва шиддатли замонавий ривожланиши билан бутун дунё диққатини ўзига жалб этмоқда. Хивадаги Ичан қалъа мажмуаси, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанддаги тарихий марказлар ЮНЕСКОнинг махсус “Бутун дунё мероси” рўйхатига киритилган. Бу шаҳарларда жойлашган такрорланмас ёдгорликлар ва меъморий иншоотлар мамлакат тарихида катта рол ўйнаган ўтмиш замонларни ўзида акс эттиради.

Республикаимиз ҳукумати томонидан туризм соҳасини модернизация қилиш, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини яхшилаш, шунингдек, туризм соҳасидаги қонунчилик базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туристлик оқим таҳлилига кўра, 2024 йил январь-декабрь ойларида 7 957,2 минг¹ чет эл фуқаролари Ўзбекистонга туристик мақсадларда хориждан ташриф буюрган бўлса (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20,1 % га кўпайган), хорижга чиқиб кетган Ўзбекистон фуқаролари 6 183,8 минг кишини (ўсиш – 29,2 %) ташкил этган.

**Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари
ва хорижга туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси
фуқаролари сони**
(2024 йил январь-декабрь)



Туризм – одамларнинг доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши билан боғлиқ ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳодиса бўлиб, мақсади одатда кўнгил очили ва дам олишидир.

¹ Республикага келганлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тақдим этган аниқлаштирилган маълумотлари асосида шакллантирилди.

² Республикага келганларнинг умумий сонидан бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинади.

³ Республикадан кетганларнинг умумий сонидан бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинади.

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТУРИСТИК МАҚСАДЛАРДА КЕЛГАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган хорижий фуқаролар сони жами 7 957,2 минг нафарни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 20,1 % га ошган.


Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари динамикаси (январь-декабрь, минг киши)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Ўзбекистон Республикасига таширф буюрган чет эл фуқаролари тўғрисидаги маълумотлари асосида шакллантирилади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳаво транспорти (авиатранспорт)да келган сайёҳлар 1 378,9 минг кишини (17,3 %), темир йўл орқали келганлар – 97,8 минг кишини (1,2 %), автомобиль транспортида келганлар – 166,4 минг кишини (2,1 %) ташкил этган. Сайёҳларнинг энг кўп қисми, яъни 6 314,9 минг нафари (79,4 %) чегарани пиёда кесиб ўтган.

Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг келиш воситаси (Ўзбекистон фуқаролиги бўлмаган шахсларни қўшган ҳолда, январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)



Кирувчи туризм – қўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлмаган таширф буюрувчининг кирувчи сайёҳлик сафари вақтида ушбу мамлакат доирасидаги фаолиятини ўз ичига олади.

Туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг МДХ ва бошқа хорижий мамлакатлар кесимида тақсимланиш динамикаси (январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида МДХ давлатларидан республикамизга ташриф буюрган фуқаролар сони 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 17,6 % га кўпайди, бошқа мамлакатлардан келганлар сони эса 49,4 % га ошди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига МДХ давлатларидан 7 184,2 минг киши ташриф буюриб, бу жами келганларнинг 90,3 % ини ташкил этди, бошқа давлатлардан – 773,0 минг киши (9,7 %) ташриф буюрган.

Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиш динамикаси (январь-декабрь, минг киши)


Қариндошларни йўқлаш




Бўш вақт ва дам олиш



Хизмат



Даволаниш



Тижорат



Ўқиш



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистонга келган чет эл фуқаролари сафар мақсадини қариндошларни йўқлаш учун деб белгилаганлар сони 6 105,3 минг кишига (жами келганларнинг 76,7 % и), бўш вақт ва дам олиш учун – 1 184,4 минг киши (14,9 %)га, хизмат сафари учун – 338,5 минг киши (4,3 %), тижорат мақсадида келганлар – 199,0 минг киши (2,5 %)га, даволаниш учун – 104,9 минг киши (1,3 %)га, тўғри келган. Энг кам саёҳатлар мақсадларини ўқиш деб белгилаганларга 25,1 минг киши (0,3 %) тўғри келган.


Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 2023 йилнинг тегишли даврига нисбатан тижорат мақсадидаги саёҳатлар 2,8 баробарга, хизмат сафарлари 2,4 баробарга ва даволаниш мақсадидаги сафарлар 71,1 % га ошган. Шунингдек, бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун сафарлар 53,2 % га, ўқиш мақсадидаги сафарлар 49,4 % га ва қариндошларни йўқлаш учун амалга оширилган сафарлар 9,8 % га кўпайган.

Қуйида келтирилган графикдан хулоса қилиш мумкинки, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижий давлатлардан (МДХ давлатларидан ташқари) чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасига асосан бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш (бу хорижий давлатлардан (МДХ давлатларидан ташқари) ташриф буюрганларнинг умумий сонидан 65,1 % ини ташкил этган), хизмат сафари (13,0 % и) ҳамда қариндошларини йўқлаш (10,5 % и) мақсадида ташриф буюрган. Улардан 9,1 % и – тижорат мақсадида, 2,2 % и – ўқиш учун ва 0,04 % и – даволаниш учун келган.


Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг МДХ ва бошқа хорижий мамлакатлар кесимида тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь, минг киши)



Туризм мақсадлари – туристларнинг саёҳатга чиқиш орқали эришмоқчи бўлган ниятлари ва истаклари ҳисобланади. Мақсадлар ҳар хил бўлиши мумкин, масалан, дам олиш ва ўйин-кулги, янги маданият ва анъаналарни ўрганиш, таълим ва ўзини ўзи такомиллаштириш, атроф-муҳит ва ижтимоий хабардорлик ва бошқалар. Улар ҳар бир туристнинг шахсий манфаатларига боғлиқ бўлиб, уларга жой ва саёҳат дастурини танлашда ёрдам беради.

МДХ давлатларидан ташриф буюрганларнинг умумий сонидан қариндошларини йўклаш мақсадида келганлар 83,9 % ни, бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун келганлар – 9,5 % ни ташкил этган. Хизмат сафари мақсадида келганлар 3,3 % ни, тижорат мақсадида келганлар 1,8 % ни, даволаниш мақсадида келганлар – 1,5 % ни ва ўқиш сабабли келганлар – 0,1 % ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари
(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)



Хорижий фуқароларнинг республикамызга энг кўп оқими қуйидаги давлатлардан қайд этилди: Қирғиз Республикасидан – 2 331,3 минг киши, Тожикистондан – 2 325,4 минг киши, Қозоғистондан – 1 483,6 минг киши, Россиядан – 788,6 минг киши, Туркменистондан – 197,8 минг киши, Туркиядан – 118,8 минг киши, Хитойдан – 74,3 минг киши, Афғонистондан – 73,3 минг киши, Ҳиндистондан – 70,6 минг киши, Корея Республикасидан – 41,2 минг киши, Италиядан – 38,7 минг киши, Германиядан – 37,5 минг киши, АҚШдан – 30,3 минг киши, Испаниядан – 23,6 минг киши ва Франциядан – 23,4 минг киши. Қолган 298,9 минг киши Ўзбекистонга бошқа хорижий давлатлардан келганлар.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида чет эл фуқаролари хизмат сафарлари билан Ўзбекистонга асосан Қирғиз Республикаси (64,0 минг киши), Тожикистон (58,6 минг киши) ва Қозоғистондан (45,3 минг киши) келган. Ўқиш учун асосан Ҳиндистон (11,9 минг киши), Туркменистон (4,4 минг киши) ва Тожикистондан (2,1 минг киши) ташриф буюрган. Бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун юртимизга келган чет элликларнинг асосий қисми Россия (300,9 минг киши), Қозоғистон (140,4 минг киши) ҳамда Қирғиз Республикаси фуқароларидан (74,1 минг киши) иборат бўлган. Мақсади қариндошларини йўқлаш бўлган сафарлар сонидан чет эл фуқаролари асосан Қирғиз Республикаси (2 181,5 минг киши), Тожикистон (2 077,8 минг киши) ва Қозоғистон (1 285,3 минг киши) каби қўшни давлатлардан Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Ўзбекистон Республикасига ТОП-3 хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, жамига нисбатан улуши % да)




Даволаниш учун ҳам, мақсади қариндошларини йўқлаш бўлган сафарлар каби, чет эл фуқаролари асосан Тожикистон (79,6 минг киши), Қозоғистон (12,1 минг киши) ва Қирғиз Республикасидан (10,2 минг киши) келган. Тижорат мақсадида амалга оширилган сафарларнинг асосий қисми Туркменистон (89,5 минг киши), Афғонистон (64,1 минг киши) ва Тожикистон (37,5 минг киши) фуқароларидир.

Ишга доир (хизмат) туризм – касбий вазифаларни бажариш билан боғлиқ саёҳат туридир. У хизмат ва ишга доир сафарларни, конференцияларда, кўргазмаларда, семинарларда ва иш билан боғлиқ бошқа тадбирларда иштирок этишни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида чет давлатлардан юртимизга ташриф буюрган эркаклар сони 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 19,8 % га, аёллар сони эса 20,4 % га ошди.

**Туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг
жинси бўйича тақсимланиш динамикаси**
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)




2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган эркаклар сони 3 977,5 минг кишидан иборат бўлиб, бу келган барча хорижий фуқаролар умумий сонининг 50,0 % ини ташкил этди, шунингдек, аёллар сони 3 979,7 минг нафар (50,0 %)га етди.

Туристларнинг гендер тақсимои – бошқа мамлакатлар ёки минтақаларга саёҳат қиладиган эркаклар ва аёллар нисбатидир. Бу эркаклар ва аёллар туризмнинг қайси турларини афзал кўришлари, улар қандай турар жой турларини танлашлари, қандай диққатга сазовор жойлар ва тадбирларга таширф буюришлари ва ҳар бир гуруҳ саёҳат пайтида қандай муаммолар ёки тўсиқларга дуч келиши мумкинлигини таҳлил қилишни ўз ичига олиши мумкин. Кириш туризмнинг гендер тақсимои, уларнинг жинсидан қатъий назар, янада самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва туристлар учун шароитларни яхшилаш учун ишлатилиши мумкин.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган эркаклар сонидан 2 858,4 минг нафари қариндошларини йўқлаш мақсадида, 630,8 минг киши – бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 302,1 минг киши – хизмат сафари учун, 121,3 минг киши – тижорат учун, 50,8 минг киши – даволаниш учун ва 14,1 минг киши – ўқиш учун ташриф буюрган.


Аёлларга келсак, уларнинг 3 246,9 минг нафари қариндошларини йўқлаш мақсадида, 553,7 минг нафари бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 77,8 минг нафари тижорат учун, 54,0 минг нафари даволаниш учун, 36,4 минг нафари хизмат сафари учун ва 10,9 минг нафари ўқиш учун келган.

**Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сонининг
сафар мақсадлари бўйича гендер тақсимоти**
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)




2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хориж давлатларидан республикамызга туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сонининг жинси бўйича тақсимланиши таҳлиliga кўра, эркаклар асосан Тожикистондан – 1 268,9 минг киши (уларнинг умумий сонидан 31,9 % и), Қирғиз Республикасидан – 996,2 минг киши (25,0 %), Қозоғистондан – 663,3 минг киши (16,7 %), Россиядан – 406,3 минг киши (10,2 %), Туркменистондан – 96,2 минг киши (2,4 %), Туркиядан – 90,2 минг киши (2,3 %), Афғонистондан – 67,2 минг киши (1,7 %), Хитойдан – 54,5 минг киши (1,4 %) ва Ҳиндистондан – 50,4 минг киши (1,3 %) ташриф буюрган.

**Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган
чет эл фуқаролари сонининг жинси бўйича (эркаклар) тақсимланиши**
(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, ўзгариш суръати % да)




Ўз ўрнида, аёлларнинг асосий қисми Қирғиз Республикасидан – 1 335,1 минг киши (уларнинг умумий сонидан 33,5 % и), Тожикистондан – 1 056,5 минг киши (26,5 %), Қозоғистондан – 820,3 минг киши (20,6 %), Россиядан – 382,3 минг киши (9,6 %), Туркменистондан – 101,6 минг киши (2,6 %), Туркиядан – 28,7 минг киши (0,7 %), Италиядан – 20,6 минг киши (0,5 %), Ҳиндистондан – 20,2 минг киши (0,5 %) ҳамда Хитойдан – 19,8 минг киши (0,5 %) туристик мақсадларда ташриф буюрган бўлса, 194,7 минг киши (4,9 %) бошқа мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасига хориж давлатларидан келган чет эл фуқаролари сонининг жинси бўйича (аёллар) тақсимланиши (2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, ўзгариш суръати % да)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариш таҳлилига кўра, 0-18 ёшдагилар – 24,5 % га, 19-30 ёшдагилар – 17,3 % га, 31-55 ёшдагилар – 19,2 % га, 56 ёш ва катталар эса – 20,8 % га ошган.


Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сонининг ёши бўйича тақсимланиши динамикаси (январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиш таҳлилига кўра, уларнинг асосий қисми 31-55 ёшдагилар – 47,8 % ни (3 803,7 минг киши, шундан эркеклар – 50,6 % ни, аёллар – 49,4 % ни) ташкил этган. 56 ва ундан катта ёшдагилар – 20,8 % ни (1 654,4 минг киши, шундан эркеклар – 40,8 % ни, аёллар – 59,2 % ни), 0-18 ёшдагилар – 16,7 % ни (1 325,5 минг бола, шундан ўғил болалар – 51,1 % ни, қиз болалар – 48,9 % ни), 19-30 ёшдагилар – 14,7 % ни (1 173,6 минг киши, шундан йигитлар – 59,7 % ни, қизлар – 40,3 % ни) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича гендер тақсимоти

(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)




Туристларнинг ёши бўйича тақсимланиши бу – турли ёш гуруҳларидаги туристлар сонини акс эттирувчи статистик кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич туристик дастурларнинг мақсадли аудиториясини аниқлаш ва маълум бир ёш тоифасидаги туристларни жалб қилиш учун маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафари, бўш вақтларини ўтказиш ва дам олиш, қариндошларни йўқлаш, даволаниш ҳамда тижорат мақсадларида асосан 31-55 ёшдаги чет эллик фуқаролар (улар хизмат сафари билан келганлар сонидан 69,0 % ини, бўш вақтларини ўтказиш ва дам олиш мақсадида келганлар сонидан 49,9 % ини, қариндошларни йўқлашга келганлар сонидан 46,2 % ини, даволаниш мақсадида келганлар сонидан 48,5 % ини ва тижорат учун келганлар сонидан 53,8 % ини ташкил этганлар) келган.

Ўқиш мақсадида асосан 19-30 ёшдаги туристлар келган бўлиб, улар юртимизга таълим учун келганларнинг 75,2 % ини ташкил этган.

**Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг
ёши ва сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши**
(январь-декабрь, сони минг киши, жамига нисбатан улуши % да)



Дўконларга қатнаш. Бу тоифага қайта сотиш ёки келгусида қандайдир ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун (бу ҳолатда ишга доир ва касбий мақсадлар ўринли бўлади) товарлар харид қилишни истисно қилган ҳолда, шахсий истеъмол ёки совға учун истеъмол товарлари харид қилиш ва ҳ.к. киради.


Шоппинг (савдо) туризми туристнинг ўз мамлакатада мавжуд бўлмаган ёки қимматроқ бўлиши мумкин бўлган товарларни сотиб олиш мақсадида чет элда турли дўконлар ва савдо марказларига таширф буюришини ўз ичига олади.

2-БЎЛИМ. ТУРИСТИК МАҚСАДЛАРДА КЕТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони жами 6 183,8 минг нафарни ташкил этди.

2024 йил январь-декабрь ойлари давомида МДХ давлатларига кетган юртимиз фуқаролари сони 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 29,1 % га ва бошқа давлатларга кетганлар сони 29,8 % га ошган.

Туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси
фуқаролари сони динамикаси
(январь-декабрь, минг киши)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат персоналлаштириши агентлигининг чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисидаги маълумотлари асосида шакллантирилади.

Чиқувчи туризм – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташириф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидан ташқарига чиқувчи ёки ички сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади.


2024 йилнинг январь-декабрь ойларида МДХ давлатларига кетганлар сони 5 361,5 минг кишидан иборат бўлиб, бу жами кетганларнинг 86,7 % ини ташкил этган, бошқа давлатларга эса 822,3 минг киши (13,3 %) кетган.

Сафар мақсадлари бўйича чет элга кетган
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони динамикаси
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)


Қариндошларни
йўқлаш



Бўш вақт
ва дам олиш





Ўқиш



Даволаниш



Хизмат



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафарлари мақсадида чет элга кетган Ўзбекистон фуқаролари сони 13,7 минг нафар (республикадан чиқиб кетганлар умумий сонидан 0,2 %), ўқиш учун – 35,9 минг нафар (0,6 %), даволанишга – 60,9 минг нафар (1,0 %), бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш учун – 949,4 минг нафар (15,4 %) ҳамда қариндошларни йўқлашга – 5 214,0 минг нафарни (82,9 %) ташкил этган.

Таълим туризми – саёҳат пайтида билим ва таъриба орттириш билан боғлиқ туризм туридир. У таълим муассасаларида, тил курсларида, маҳорат дарсларида, семинарларда, конференцияларда ва бошқа таълим тадбирларида қатнашишни ўз ичига олади. Таълим туризми мустақил таълим олиш шакли ҳам, ўқув дастурининг расмий қисми ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон фуқароларининг энг кўп қисми МДХ давлатларига қариндошларини йўқлаш (5 012,4 минг киши – МДХ давлатларига чиқиб кетган сайёҳларнинг умумий сонидан 93,5 % и), бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш (264,5 минг киши – 4,9 %) ҳамда даволаниш учун (49,9 минг киши – 0,9 %) кетган.

МДХ давлатларига кетган сайёҳларнинг энг кам қисми ўқиш – 27,1 минг киши (0,5 %) ва хизмат сафарлари – 7,6 минг киши (0,1 %) мақсадида чиқиб кетганларга тўғри келади.

**Туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон фуқароларининг
МДХ ва бошқа хорижий мамлакатлар кесимида тақсимланиши**
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)




Бошқа давлатларга (МДХ давлатларидан ташқари) кетган республикаимиз фуқароларига келсак, энг кўп саёҳатлар бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш (684,9 минг киши – бошқа давлатларга чиқиб кетганларнинг умумий сонидан 83,3 % и), қариндошларини йўқлаш (111,6 минг киши – 13,6 %) ва даволаниш (11,0 минг киши – 1,3 %) мақсадида амалга оширилган.

Энг кам саёҳатларнинг мақсади эса ўқиш (8,8 минг киши – 1,1 %) ва хизмат сафарларига (6,1 минг киши – 0,7 %) тўғри келган.

**Хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг умумий сони**

(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)



Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий оқими 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Қирғиз Республикасига – 2 880,1 минг киши, Тожикистонга – 1 187,0 минг киши, Қозоғистонга – 956,5 минг киши, Россияга – 308,2 минг киши, Туркияга – 229,3 минг киши, Саудия Арабистонига – 203,3 минг киши, БААга – 128,8 минг киши, Мисрга – 47,4 минг киши, Қувайтга – 35,0 минг киши, Корея Республикасига – 23,9 минг киши, Вьетнамга – 19,9 минг киши, Таиландга – 19,2 минг киши, Ҳиндистонга – 18,7 минг киши, Хитойга – 18,3 минг киши, Озарбайжонга – 16,1 минг киши ва бошқа давлатларга – 92,1 минг киши кетгани қайд этилган.

ТОП-3 хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, жамига нисбатан улуши % да)




2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафари мақсадида Ўзбекистон фуқароларининг асосий қисми Россияга – 2,5 минг киши, Қирғиз Республикасига – 1,7 минг киши ва Туркияга – 1,7 минг киши кетган.

Ўқиш учун асосан Тожикистонга – 12,8 минг киши, Россияга – 8,6 минг киши ва Қирғиз Республикасига – 4,0 минг киши чиққан. Бўш вақтини ўтказиш ва дам олишга фуқаролар асосан Саудия Арабистонига – 176,3 минг киши, Туркияга – 174,1 минг киши ҳамда Қирғиз Республикасига – 118,7 минг киши кетган. Қариндошлариникига асосан Қирғиз Республикасига – 2 723,1 минг киши, Тожикистонга – 1 159,4 минг киши ва Қозоғистонга – 930,0 минг киши чиққан. Даволаниш мақсадида эса Қирғиз Республикасига – 32,6 минг киши, Тожикистонга – 7,9 минг киши ҳамда Россияга – 7,8 минг киши кетган.

Таътил, дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш – туристларнинг дам олиш, кўнгул очиш ва саёҳатга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган туризм туридир. У ҳар хил турдаги фаол дам олишни, спорт тадбирларини, маданий ва тарихий диққатга сазовор жойларга таширф буюришни, шопинг (харид) қилишни ва ҳоказоларни ўз ичига олади.


**Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг
жинси бўйича тақсимланиш динамикаси**
(январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида туристик мақсадларда чет элга кетган эркеклар сони 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 26,4 % га, аёллар сони эса – 32,1 % га ошган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республикамиздан туризм мақсадида чиқиб кетган эркеклар сони 3 087,8 минг кишидан иборат бўлиб, бу кетган барча фуқаролар умумий сонининг 49,9 % ини ташкил этган, аёллар сони эса – 3 096,0 минг киши (50,1 %)га етди.

**Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг
сафар мақсадлари бўйича гендер тақсимоти**
(2024 йил январь-декабрь, минг киши)




2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасидан кетган эркекларнинг умумий сонидан 2 564,0 минг нафари (уларнинг умумий сонидан 83,0 % и) қариндошларини йўқлаш мақсадида, 462,2 минг нафари (15,0 % и) бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 29,8 минг нафари (1,0 % и) даволанишга, 20,3 минг нафари (0,7 % и) ўқишга ва 11,6 минг нафари (0,4 % и) хизмат сафари мақсадида чиққанлар.

Аёлларга келсак, уларнинг 2 560,0 минг нафари (аёллар умумий сонидан 82,7 % и) қариндошларини йўқлашга, 487,2 минг нафари (15,7 % и) бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш учун, 31,1 минг нафари (1,0 % и) даволаниш мақсадида, 15,6 минг нафари (0,5 % и) ўқиш учун ва 2,1 минг нафари (0,1 % и) хизмат сафари учун кетган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида туристик мақсадларда хориж давлатларига кетган Ўзбекистон фуқаролари сонининг жинси бўйича тақсимланиши таҳлиliga кўра, эркаклар асосан Қирғиз Республикасига – 1 398,0 минг киши (уларнинг умумий сонидан 45,3 % ини ташкил этган), Тожикистонга – 614,2 минг киши (19,9 %), Қозоғистонга – 510,3 минг киши (16,5 %), Россияга – 162,3 минг киши (5,3 %), Туркияга – 102,2 минг киши (3,3 %), Саудия Арабистонига – 89,4 минг киши (2,9 %), БААга – 64,7 минг киши (2,1 %), Мисрга – 22,7 минг киши (0,7 %) ва Қувайтга – 14,9 минг киши (0,5 %) сафар қилган бўлса, 109,0 минг киши (3,5 %) бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган.


**Хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари
сонининг жинси бўйича (эркаклар) тақсимланиши**
(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, ўзгариш суръати % да)



Дўст ва қариндошларни йўқлаш туризмнинг энг кенг тарқалган турларидан биридир. Бу ўз дўстлари ва қариндошлариникига ташириф буюриши учун одамларни бошқа шаҳарлар ёки мамлакатларга саёҳат қилишини ўз ичига олади. Бундай туризмнинг мақсади яқинлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва бирга вақт ўтказишдир.


Чет элга туристик мақсадларда кетган аёлларнинг умумий сонидан Қирғиз Республикасига – 1 482,1 минг киши (уларнинг умумий сонидан 47,9 % ини ташкил этган), Тожикистонга – 572,8 минг киши (18,5 %), Қозоғистонга – 446,1 минг киши (14,4 %), Россияга – 145,9 минг киши (4,7 %), Туркияга – 127,8 минг киши (4,1 %), Саудия Арабистонига – 113,1 минг киши (3,7 %), БААга – 64,1 минг киши (2,1 %), Мисрга – 24,7 минг киши (0,8 %) ва Қувайтга – 20,1 минг киши (0,7 %) сафар қилган бўлса, 99,2 минг киши (3,2 %) бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган.

Хориж давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг жинси бўйича (аёллар) тақсимланиши
(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, ўзгариш суръати % да)




2024 йилнинг январь-декабрь ойларида туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариш таҳлилига кўра, 0-18 ёшдагилар – 19,2 % га, 19-30 ёшдагилар – 25,6 % га, 31-55 ёшдагилар – 32,9 % га, 56 ёш ва катталар эса – 33,2 % га ошган.

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг ёши бўйича тақсимланиш динамикаси
(январь-декабрь, минг киши)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижга чиққан Ўзбекистон фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши таҳлилига кўра 31-55 ёшдагилар 46,5 % ни (2 875,7 минг киши, шундан эркаклар – 49,4 %, аёллар – 50,6 %), 56 ва ундан катта ёшдаги фуқаролар – 19,6 % ни (1 210,3 минг киши, шундан ўғил болалар – 36,4 %, қиз болалар – 63,6 %), 0-18 ёшдаги болалар – 17,3 % ни (1 069,1 минг киши, шундан эркаклар – 53,4 %, аёллар – 46,6 %) ва 19-30 ёшдагилар – 16,6 % ни (1 028,7 минг киши, шундан йигитлар – 63,8 %, қизлар – 36,2 %) ташкил этган.

**Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сонининг
ёши бўйича гендер тақсимои**
(2024 йил январь-декабрь, жамига нисбатан улуши % да, сони минг киши)




Даволаниш ва соғломлаштириш туризми туристнинг саломатлиги ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган. Даволаниш туризми касалликларни даволаш, реабилитация дастурлари ва муолажалари каби тиббий ёрдам олишга қаратилган саёҳатларни ўз ичига олади. Соғломлаштириш туризми, ўз ўрнида, жисмоний ва психологик ҳолатни яхшилашга қаратилган саёҳатларни ўз ичига олади, масалан, курорт дастурлари, йога-турлари, фитнес саёҳатлари ва бошқалар. Туризмнинг ушбу тоифаси фақат қисқа муддатли даволанишни ўз ичига олади, чунки бир йил ёки ундан кўп вақт давомида тиббий муассасада қолишни талаб қиладиган узоқ муддатли даволаниш туризм соҳасига кирмайди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хизмат сафари, бўш вақтларини ўтказиш ва дам олиш, қариндошларни йўқлаш ҳамда даволаниш мақсадларида асосан 31-55 ёшдаги республикаимиз фуқаролари (улар хизмат сафари билан кетганлар сонидан 71,9 % ини, бўш вақтларини ўтказиш ва дам олиш мақсадида кетганлар сонидан 44,0 % ини, қариндошларни йўқлашга кетганлар сонидан 47,2 % ини ва даволаниш мақсадида кетганлар сонидан 44,6 % ини ташкил этганлар) кетган. Ўқиш мақсадида асосан 19-30 ёшдагилар кетган бўлиб, улар юртимиздан таълим учун кетганларнинг 57,9 % ини ташкил этишган.

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши ва сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши

(2024 йил январь-декабрь, сони минг киши, жамига нисбатан улуши % да)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Туризм – жисмоний шахсининг вақтинча бўлиш мамлакатадаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши).

Турист – вақтинча бўлиш мамлакатадаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда, вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) йигирма тўрт соатдан кетма-кет ўн икки ойгача бўлган даврга боровчи ёки вақтинча бўлиш мамлакатада (жойида) камида бир кеча тунаб қолувчи жисмоний шахс.

Ишга доир ва касбий мақсадлар – ушбу тоифага, мустақил равишда банд бўлган шахслар ва ёлланма ишловчилар фаолияти, агарда улар билан ташриф буюриладиган мамлакат ёки жойидаги ишлаб чиқарувчи-резидент ўртасида аниқ ёки назарда тутилган ёлланма меҳнат муносабатлари белгилари мавжуд бўлмаса, сармоядорлар, ишбилармонлар ва ҳоказолар фаолияти киради.

Таълим ва касбий тайёргарлик бу – тоифага, иш берувчи ёки бошқа ташкилотлар, шахслар томонидан тўланадиган қисқа муддатли курсларга қатнаш, тўлов асосида ўқиш, тилларни ўрганиш, касбий ёки бошқа махсус курслар, илмий таътиллارни қўшган ҳолда муайян ўқув дастурларини ўтиш ёки курсларда муайян малакага эга бўлиш ва ҳоказолар киради.

Таътил, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш бу – тоифа, масалан, диққатга сазовор жойларни кўриш, табиий ва сунъий объектларга ташриф буюриш, спорт ёки маданий тадбирларда қатнашиш, профессионал бўлмаган спорт турлари билан шуғулланиш, пляжда дам олиш, сузиш ҳавзалари ва ҳар қандай дам олиш ва кўнгилочар объектлардан фойдаланиш, круизлар, кимор ўйинлари, ёзги ёшлар лагерлари, дам олиш уйлари, асал ойларига бориш, олий тоифадаги ресторанлар ва соғлом турмуш тарзига ихтисослашган муассасаларга ташриф буюриш (масалан, соғломлаштириш меҳмонхоналари), фитнес билан шуғулланиш, уй хўжалигига тегишли ёки ижарага олинган дала ҳовли (дача)ларда туриш ва ҳоказолар киради.

Дўстларни ва қариндошларни кўргани бориш бу – тоифа ўз ичига, қариндошлар ёки дўстларни кўришга ташриф буюриш; тўйларга, дафн маросимлари ёки бошқа ҳар қандай оилавий тадбирларга ташриф буюриш; бемор ёки қарияларни қисқа муддат давомида парваришlash ва бошқалар каби фаолият турларини қамраб олади.

Маълумот учун: туризм соҳасидаги кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикаси шакллантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 263-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2024 йил 31 майдаги “Туризм статистикаси бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 133-сонли буйруғига мувофиқ шакллантирилади.